Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
4 ДЕКАБРЬ 1970 Й
ЖУМА
№ 286 (1354).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КЕЛАСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

«Тошкентгеология» трестига қарашли «Химгеологиеруд» экспедицияси, шунингдек, комплекс геология қидирув ва суратга олиш экспедицияси меҳнат вахтасида туриб, геология ва разведка ишлари, маъдан запасларини аниқлаш, разведка қилиш, пармалаш, проходка қилиш беш йиллик планини муддатидан бир ой илгари бажарди. Трест хазинакорлари беш йиллик планни ортиғи билан бажаришда байроқдор Олмалиқ геология ва фойдали қазилмалар қидириш, Шарқий Қурама, Чотқол ва Тошкент атрофи экспедицияларининг хазинатопарлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Хазинатопарлар олтин ва рангли металлар конини топиш ҳамда қурилишда ишлатилаётган гранит, плавик шпатит, мармар, каолин конлари запасларини аниқлаш планини ҳам ортиғи билан бажардилар. Трест хазинатопарлари айниқса, оғир типдаги тоғ-казиш проходкаси ва чуқур қудуқлар пармалаш ишлари планини муддатидан илгари бажардилар.

ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС ВА БИРЛАШГАН ИЛМИЙ СЕССИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети шонли сана — Хоразм Халқ Совет революциясининг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ва бирлашган илмий сессия қатнашчиларини қизғин табриклайдилар.

Хоразмдаги халқ революцияси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қонуний давоми. Шарқдаги миллий-озодлик революцияларининг муҳим бўғини бўлди. Асрлардан бери эзилган, ҳақ-ҳуқуқсиз Хива халқи Улуғ Октябрнинг қудратли садоси билан уйғониб, Коммунистик партия раҳбарлигида феодал зулми ва ҳуқуқсизлигига қарши қўзғолон кўтариб, манфур Хива хонини ағдариб ташлади ва Халқ Совет республикасини ташкил этди.

Хоразм революциясининг аҳамияти шундаки, у марксизм-ленинизм ўлмас ғояларининг тантанаси бўлди, меҳнаткашларнинг қўлига ҳокимиятни бериб, уларни равнақ топишнинг катта йўлига олиб чиқди. тараққиётнинг капиталистик босқичини четлаб ўтиб, социализм сари бориш шарт-шароитларини яратди.

Хоразм Халқ Совет революцияси бўлганидан бери 50 йил ўтган бўлса-да, Хивадаги революциянинг бутун революцион куч-гайратини меҳнат аҳлининг озодлиги ва бахт-саодатли келажагига сарфлаган ташкилотчилари ва актив катнашчиларининг қаҳрамонона жасоратлари халқ хотирасида абадий барҳаёт қолади.

Совет ҳокимияти йилларида Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати амалга оширилиши туфайли Хоразм воҳасида катта-катта социал, сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар юз бериб, ўлканинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди, социалистик экономика ва маданият гуркираб ривож топди.

Ҳозирги вақтда орденли Хоразм области ва Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси мамлакатимизда коммунизм қурилиши ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Автоном республика ва область меҳнаткашлари ҳамиша қаҳрамонона, фидокорона меҳнатнинг ажойиб намуналарини кўрсатиб келдилар ва ҳозирда ҳам шундай қилмоқдалар. Улар В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги байрамидан руҳланиб, КПССнинг XXIV съездини муносиб кутиб олмоқ учун социалистик мусобақани кенг кулоч ёйдириб ўз зиммаларига олган оширилган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар ва Ватанга 730 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» бердилар. Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм области қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа соҳаларида ҳам, саноатни ривожлантиришда, маданий қурилишда ҳам катта-катта муваффақиятларга эришдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Хоразм области ва Қорақалпоғистоннинг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашларига халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришда янги катта муваффақиятлар тилайдилар ҳамда улар бундан буён ҳам Ватан фаровонлиги учун, коммунизмнинг юксак идеаллари учун илҳомбахш меҳнат қилаверадилар, деб қаттиқ ишонч билдирадилар.

СССР халқларининг бузилмас дўстлиги — КПСС ленинча миллий сиёсатининг улуғвор ғалабаси абадий барҳаёт бўлсин ва гуллаб-яшнайверсин!

Яшасин ишчилар синфи, барча меҳнаткашларнинг жанговар авангарди, коммунизм учун курашда совет халқининг сиёсий йўлбошчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партияси!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

БЕШ ЙИЛЛИК БАЖАРИЛДИ

Чиннисозлар зафари

Чинни заводининг коллективи Совет Конституцияси куни арафасида меҳнатда ажойиб зафар қучди.

Бугун

КОРХОНА ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА ҒАЛАБА РАПОРТИ БЕРДИЛАР.

Чиннисозлар беш йиллик маррани 25 октябрда эгаллаган эдилар. 1966—70 йиллар мобайнида коллектив аъзолари ўн икки миллион 928 сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Бу меҳнат зафарига корхона азаматлари ишчи кучларидан ва ички резервлардан оқилона фойдаланилганлиги, янги техника ва илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этганлиги туфайли эришди.

— 1966 йил билан таққосланганда беш йилликнинг охирги йилида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши 40 процентга кўпайди. Бунга биз кўпгина процессларни механизациялаш туфайли эришдик,—дейди корхона директори А. Иброҳимов.— Бизнинг маҳсулотларимиз Чехословакия, Туркия, Япония, Корея Халқ Демократик Республикаси, БАР, Сурия ва бошқа хорижий мамлакатлардаги выставкаларда намойиш этилди ва у ўзининг ғалаба сифати ҳамда безаклилиги жиҳатидан мақтовга сазовор бўлди.

Корхона коллективи КПСС XXIV съезди шарафига вахтада туриб, беш йиллик планга қўшимча яна 500 минг сўмлик, йиллик пландан ташқари эса 380 минг сўмлик чинни буюмлари тайёрлашга қарор қилди.


Бугунги кунда биз корхонанинг меҳнатда эришган муваффақияти ҳақида фикр юритар эканмиз, бунда аввало планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янгича система шароитида ишлашга ўтди,— дейди завод план бўлимининг бошлиғи С. Винницкий.— Бу эса корхонанинг моддий базасини янада мустаҳкамлаш имконини берди. Жумладан, корхонани ривожлантириш фондига шу йилнинг ўзида 70 минг сўм маблағ ажратилди. Ана шу маблағга янги жиҳозлар сотиб олинди.

Беш йилликлар даврида корхонанинг олдиган фойдаси анча ошди. Агар 1966 йили олинган жамгарма 325 минг сўмни ташкил этган бўлса, 1970 йилда бу рақам 867 минг сўмга етди.

— Беш йиллик план ва йиллик топшириқ бажарилди, социалистик мусобақа эса давом этмоқда, — дейишмоқда корхона ишчилари.

Завод ишчи-хизматчилари шу кунларда съезд олди мусобақасини қизитмоқдалар. Ўнда Х. Ҳолтозиев, М. Мирраҳимов, Н. Иноятов сингари пешқадамлар барчага намуна бўлишмоқда.

КПСС XXIV СЪЕЗДИНИ муносиб кутиб оламиз!



Ёш коммунист Алексей Морозов «Авторемприбор» заводининг прессчи ишчиси. Корхонада ўз меҳнати билан коллектив обрўсини қозонган бу авторемонтчи пластмассадан эҳтиёт қисмлар тайёрлаш бўйича етук мутахассис ҳисобланади.

СУРАТДА: ишлаб чиқариш зарбдори А. Морозов тайёр деталь сифатини текширяпти.

МУДДАТИДА ЭЛТАМИЗ

Тошкент шаҳар марказлаштирилган юк ташиш трестига қарашли «Октябрь 50 йиллиги» номли 2512 -автоколонна коллективи социалистик мажбуриятини муддатидан илгари бажарди. Беш йилликка мўлжалланган халқ хўжалик юклари ташиш плани 4 ноябрда барча кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан адо этилди.

Беш йилликнинг муддатидан илгари бажарилишида М. Қурбонов, С. Мўминов, М. Озерянский, О. Қўзибоев, Т. Усмонов, В. Махсумов, Ф. Нурмуҳамедов каби ўнлаб ҳайдовчилар яхши кўрсаткичларга эришдилар. Коллективимизда фидокорона меҳнат қилаётган олтмиш ишчи-хизматчи Ленин юбилейининг «Шавқатли меҳнати учун» медали билан мукофотланди. М. Олимжонов, Э. Абдураҳмонов, В. Майданюк, П. Ахмадбеков, В. Стрельцов, З. Багдасарян ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳозир автокомбинатнинг 380 ишчиси коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун курашмоқда. Ўтган уч бригададан саккизтаси ана шундай ном билан меҳнат қилмоқда. Бир бригадага «Октябрь 50 йиллиги» номи берилди. М. Қурбонов бошлиқ бригада эса В. И. Ленин номли бригада, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Коллективимиз қурилиш саноати корхоналарига, «Гордорстройремонт» трести ва бошқа корхоналарга хизмат кўрсатяпти.

Тежамкорлик юришида катта ютуқларга эришилди. Шу йилнинг ўтган ўн ойида йигирма беш минг сўмлик иқтисодий тежам олинди.

Партия XXIV съезди шарафига меҳнат вахтасида турган транспортчилари м и з йил охиригача беш йиллик планга қўшимча бир юз йигирма минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиб беришга қарор қилдилар.

Я. НИКУПУЛИС,
2512-автоколонна план бўлимининг бошлиғи.

Давр нафаси

Бахт таронаси байрами

«1920 йил 9 мартда эски Тошкентда биринчи марта ўзбек аёллари митинги бўлиб ўтди. Митингда аёлларнинг овозн баралла янградн:

«Бизга мактаб очиб беринг! Устахоналар ташкил қилинсин! Биз сизлар билан бирга бўламиз!

Шарқ хотин-қизлари озодлиги учун ойдин йўл бунёд этилди».

(«ТУРКИСТОН МАРКАЗИЙ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ АХБОРОТИ» 1920 йил, март).

***

Улуғ Октябрь революцияси туфайли паранжи-чочвонда яширинган ўзбек хотин-қизлари озодликка эришди, бахтли ҳаёт кечира бошлади. Улар эндиликда эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиб, СССР Конституциясида таъкидланганидек, меҳнат қилиш, дам олиш ва билим олиш ҳуқуқларига эгадир...

Ҳозирги пайтда серқўёш диёримизда саноатда — 40 процентдан кўпроқ, соғлиқни сақлашда — 70 процентдан ортиқ, маорифда эса 50 процентдан ошиқроқ ўзбек аёллари жавлон уриб меҳнат қилмоқдалар.

Икки юз мингдан ортиқ хотин-қизлар махсус ўрта олий маълумот олишган. 30 минггга яқин опа-сингилларимиз инженер-техник бўлиб ишламоқдалар.

Умуман олганда, XX аср бошларида Туркистон ўлкасида биронта ҳам саводли хотин-қиз йўқ эди. 1914 йилда ўлкада 171 та мактаб борлиги қайд қилинди. Ҳозир эса фақат республикамизда ўрта махсус ва олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшлар Англияга қараганда 2,5 баравар, Италия ва ГФРга қараганда 3 баравар ортиқдир.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР СИЁСИЙ МАСЛАҲАТ КОМИТЕТИНИНГ КЕНГАШИ

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши 1970 йил 2 декабрда Берлинда бўлиб ўтди.

Кенгаш қатнашчилари қуйидаги масалаларни муҳокама қилдилар:

— Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш ва тинч ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида;

— Ҳинди-Хитой районидаги вазият кескинлашганлиги ҳақида;

— Яқин Шарқдаги аҳвол тўғрисида;

— Мустамлакачиларнинг Гвинея Республикасига қарши агрессияси ҳақида.

Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши дўстлик, қардошларча ҳамкорлик ва унда қатнашувчиларнинг тўла якдиллиги вазиятида ўтди.

(ТАСС).

Лейпцигдан «Кумуш каптар»

Германия Демократик Республикасининг Лейпциг шаҳридан Тошкентга «Кумуш каптар» учиб келди. Ёш ўзбек кинематографчиси Тўлқин Бобожонов Роман Григорьевининг сценарийси бўйича суратга олган «Куни билан шамол» картинаси кино ва телевидение ҳужжатли ва қисқа метражли фильмлар XIII Халқаро Тошкентга «Кумуш каптар» учиб келди. Ёш ўзбек кинематографчиси Тўлқин Бобожонов Роман Григорьевининг сценарийси бўйича суратга олган «Куни билан шамол» картинаси кино ва телевидение ҳужжатли ва қисқа метражли фильмлар XIII Халқаро фестивалининг ана шундай совриниға сазовор бўлди.

Бу фильм Қизилқумда вужудга келган ёш шаҳар — Газли тўғрисида қисқагина ҳикоядир. Фильм шаҳарнинг ҳозирги кунлари, унинг кишилари, табиати тўғрисида самимий ҳикоя қилади. Ўзбекистон газ саноатининг маркази жазирама чўлда вужудга келтирилган эди.

Ҳозир Тўлқин Бобожонов режиссёр Темур Қоипов ва сценарийчи Юрий Аветиков билан бирга ёшлар тўғрисидаги фильмни суратга олмоқда.

КЎРИККА ТАЙЁРГАРЛИК

«Главташкентстрой» қарамоғидаги қурилиш трестлари, корхоналар ва транспорт хўжаликлари ишлаб чиқаришдаги резервлардан фойдаланиш ҳамда тежамкорлик юзасидан ўтказиладиган Бутуниттифоқ кўригига қўшилиш ҳақида қарор қабул қилишди. Бунинг учун барча ташкилотларда мутахассислар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлардан иборат комиссия тузилди.

Энг яхши қурилиш коллективлари ва ихтисослашган хўжалик-коллективларини рағбатлантириш учун Бутуниттифоқ кўрик жамияти ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг иккита дипломини ажратди. Ҳозир барча ташкилотларда КПСС XXIV съезди арафасида якунланадиган кўрикка тайёргарлик ишлари авж олдириб юборилди.

Яниликлар адреси:

КОРХОНА КЎЗГУСИ

Ҳар бир корхонанинг ўз тарихи, ўз йилномаси бор. Ўзбекистондагина эмас, балки Ўрта Осиёда йирик корхона бўлган Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи ҳам шонли йўлни босиб ўтди.

1929 йилнинг 18 июлини завод ветеранлари яхши эслашади. Уша куни ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалиги жиҳозлари заводини қуриш ҳақида қарор қабул қилган эди. Орадан кўп ўтмай, улкан корхона қурилиши Иттифоқ зарбдор қурилиши деб эълон қилинди.

1931 йилнинг 1 майида заводнинг ишга тушиши муносабати билан тантанали митинг бўлди. «Ташсельмаш» заводининг тарихи ана шундай бошланган эди...

Йирик машинасозлик заводининг тарихи билан танишмоқчи бўлсангиз, корхона ҳузурида ташкил этилган «Меҳнат шуҳрати» музейига марҳамат қилинг. Бу ерда заводнинг босиб ўтган йўли қизиқарли факт-лар, тарихий ҳужжат ва фотосуратларда ҳикоя қилинади.

Келгуси йили корхона 40 ёшга тўлади.

Бугун

шу муносабат билан, музей янги экспонатлар тайёрлашга киришди.

Мамлакат—Тошкентга

ЎТТИЗ ДОНА МАШИНА

Бугун

шаҳар марказий юк ташиш автотрести адресига ўттиз дона «ММЗ-555» маркали машина келди.

Мазкур юк машиналари 87 ва 145-автобазаларга берилади.


Юбилей йилида трест номига мамлакатнинг турли автомобиль заводларидан бир юз эллик донага яқин машиналар келди.

ШИФОХОНА ҚУРИЛИШИДА

Дўмбироободдаги кўп тармоқли шифохонанинг биринчи ва иккинчи корпус қурилишида иш қизиб кетди. Бош пудратчи— 153-трестнинг 34-қурилиш бошқармаси коллективи объектни муддатидан олдин фойдаланишга топшириш учун ишни уч сменада ташкил қилди.

Биринчи корпусда қурилиш-монтаж ишлари қисқа муддатда меъёрига етказилди. Ҳозир у ерда трестнинг шу 12-пардозлаш бошқармаси коллективи сўнгги суворқа ва бўёқ ишларни давом эттирмоқда. Иккинчи корпусда Усен Эгизов, Тургун Зиёмуҳамедов, Вергел Христодуло ўртоқлар бошлиқ комплекс бригадаларнинг коллективлари қўрилиш-монтаж ишларини давом эттирмоқдалар.

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР



Тошкентдаги Ўзбекистон Давлат лойиҳа институти республикамиз область марказларида бунёд этиладиган турар жой, маданий-маиший ва болалар муассасалари объектлари лойиҳаларини тайёрловчи йирик марказ. Сиз мана бу суратда институтнинг бир группа архитектор-лойиҳачилари томонидан Хива шаҳри учун тайёрланган замонавий маиший хизмат кўрсатиш уйининг лойиҳасини кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотолари.

Тонгги газеталарда

● Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши қабул қилган ҳужжатлар:

— Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш ва тинч ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан баёнот;

— Ҳинди-Хитой районидаги вазият кескинлашганлиги муносабати билан баёнот;

— Яқин Шарқда мустаҳкам тинчлик ва хавфсизлик ўрнатиш учун;

— Африкадаги мустақил давлатларга қарши қилинаётган империалистик иғвогарликларга чек қўйилсин баёнотлари эълон қилинган.

● СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан Коммунистик партия ва Совет давлатига қилган хизматлари учун ва туғилган кунига 75 йил тўлганлиги муносабати билан ўртоқ Анастас Иванович Микоян Октябрь Революцияси ордени билан мукофотланди.

● Кеча Тошкентда Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ёш Навоий шаҳри ҳамда Наманган область Чуст районидаги Худойбердиев номли совхоз комсомол ташкилотларининг КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш борасидаги ишларини муҳокама қилди.

● СССР Олий Совети Президиумининг 1970 йил 2 декабрь фармонлари билан Донецк области ва Горький шаҳри Ленин ордени билан мукофотланди.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг XII чақириқ VII сессиясини чақириш тўғрисида

БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети депутатларга шуни маълум қиладики, Тошкент шаҳар Советининг XII чақириқ VII сессияси 1970 йил 9 декабрь эрталаб соат 10 да республика Билим уйи (Киров кўчаси, 24)да ўтказилади.

Сессия муҳокамасига қўйидаги масалалар кўйилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети 1969 йил 5 июндаги «Республика физкультура ва спорт ишларининг аҳволи ва уни ривожлантириш чоралари ҳақида»ги қарорнинг бажарилиши.

Докладчи: Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари **Х. Е. Ёқубжонова.**

Қўшимча докладчи: Тошкент шаҳар Совети мудофаа физкультура доимий комиссиясининг раиси **Б. Х. Сирожиддинов.**

Депутатлар ўша ерда 1970 йил 9 декабрь эрталаб соат 9 дан рўйхатга олинадилар.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ

Планетамиз янгиликлари

ГИГАНТ ТАНКЕР

ТОКИО. (ТАСС). «Исикавадзима — Харима Дзюкогио» компанияси жаҳонда энг катта «Ниссэки-Мару» номли танкер қура бошлади. Нефть ташийдиган бу кема 372 минг 400 тонна нефть сиғдира олади.

Танкернинг узунлиги 347 метр. Радар установкалари билан қўшиб ҳисобланганда бўйи 22 қаватли бинога тенг бўлади. Гигант танкернинг усти шу қадар кенгки, унинг устида иккита футбол майдонини жойлаштириш мумкин.

«Ниссэки-Мару» бир йилдан кейин сувга туширилмоқчи.

СУРАТДА: Прагада бунёд этиладиган янги Дьяблице райони лойиҳасининг авторлари — инженер-қурувчилар Л. Коутецкий, Я. Плахи ва М. Мусил. (ТАСС фотохроникаси).



Чехословакияда аҳоли рўйхати

ПРАГА. (ТАСС). Чехословакияда аҳолини рўйхатга олиш бошланди. Махсус тайёрланган 50 минг нафар ҳисобчи ишга тушди. Улар республика гражданларига турли саволлар берадилар. Бу саволларнинг жавоблари электрон-ҳисоблаш машиналарида ишлаб чиқилганидан кейин статистикларнинг Социалистик Чехословакия халқлари эришган муваффақиятларнинг тўла ва мукаммал манзарасини тузиб чиқишларига, мамлакатни бундан буён ривожлантириш планларини ва истиқболларини тўғрилаб таҳрир қилишларига ёрдам беради.

Чехословакия Социалистик Республикасида аҳоли рўйхатини ўтказиш билан бир вақтда барча ишлаб чиқариш ва уй-жой бинолари ҳам тўла равишда инвентаризация қилинади.

Бошланган аҳоли рўйхати Чехословакия территориясида шу вақтгача ўтказилган статистика операцияларининг энг каттаси ҳисобланади. Чехословакияда аҳолини биринчи марта рўйхатга олиш 1703 йилда ўтказилган эди.

„Тошкент“ маркаси билан

«Р — 260 —4—1» ПИЛИКЛАШ МАШИНАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЎЗЛАШТИРИШ, «Р—260—4 — 2» ПИЛИКЛАШ, «ТКС — 132 — 1» ЭШИШ -ПИШИТИШ ҲАМДА ШИША ТОЛАЛИ БУЮМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН «ТКРС — 192» ПИЛИКЛАШ-ПИШИТИШ МАШИНАЛАРИНИНГ ТАЖРИБА НАМУНАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ».

[Тошкент шаҳар саноат корхоналари, транспорт ва алоқа ташкилотлари коллективларининг 1970 йилга қабул қилган соцмажбуриятларидан].

«Тэштекстильмаш» заводининг механизаторлари қабул қилган социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликлари ҳақида завод бош конструктори Н. Грищенко қуйидагиларни гапириб берди.

— Мен беш йилликнинг сўнгги йилида ҳаётга йўлланма олиши керак бўлган машиналарнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталиб ўтаман.

Масалан, пахта ва штапель толаларини қайта ишловчи икки қаторли» «Р—260—4—2» пиликлаш машинасини олиб кўрайлик. Бу машинанинг конструкциясига ҳақиқатан ҳам янги ва жиддий ўзгартишлар киритилгандир. Агар ҳозирги пайтда кўплаб ишлаб чиқарилаётган пиликлаш агрегатларига осма рагулкалар ўрнатилаётган бўлса, бу машинага унинг тезкорлигини оширадиган икки таянчли рагулкалар ўрнатилгандир.

Январь ойида коллективимиз социалистик мажбурият қабул қилганда ана шу машинанинг ҳамда иккинчи янчли рагулкалар бир «Р—260—4—1» маркали пиликлаш машинасининг техника ҳужжатлари ишлаб чиқарилаётган эди.

Бир қаторли «Р—260—4—1» пиликлаш машинасининг афзаллиги шундаки, бу машинага ҳам икки таянчли рагулкалар ўрнатилган бўлиб, бунинг устига пилталаш аппаратларни автоматик усулда тушириб оладиган транспортёр бор.

Янги пиликлаш машиналарининг намуналари ҳозир тайёрланмоқда. Улар яқинда завод шароитида синовдан ўтади. Шунда уларнинг қайси бири тўқимачилик саноати ишлаб чиқаришида мустаҳкам ўрин олиши ва кўплаб ишлаб чиқарилиши аниқланади.

Крюковдаги шиша толаси институтида «ТКРС—192» маркали пиликлаш-пишитиш машинаси синаб кўрилди. Давлат комиссияси бундан икки ой муқаддам ана шу машинани маъқул топди.

Фақат «ТКС—132 — 1» маркали эшиш-пишитиш машинасини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда бироз кечикмоқдамиз. Унинг техника ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва тажриба намунасини ишлаб чиқишга киришилди. Бу йил бу машинани йиғиб улгурмаймиз. Бунинг сабаби бор, албатта. Шу йил ёзда эдсперименталь цехи тўсатдан СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси ҳамда «ИНЛЕГМАШ — 70» виставкаси учун янги машиналарнинг бутун бир комплексини ишлаб чиқаришига тўғри келди.

«Тошкент» маркаси билан чиқаётган тўқимачилик машиналари мамлакатимиз пойтахти Москвада муваффақият қозонганлиги матбуотда хабар қилинди. Биз, завод конструкторлари бу баҳони корхонанинг бутун коллективи ишида эришилган муваффақият, деб ҳисоблаймиз. Бу баҳо бизни янада такомиллашган тўқимачилик машиналар яратиш устида қўнт билан иш олиб боришга ундайди.



«Главташкентстрой» 9-трести 49-қурилиш бошқармасининг азаматлари «Марказ—6» кварталида 80 квартирали янги турар-жой биноси қурилишини ниҳоясига етказмоқ далар. Қурувчилар бинони янги йил арафасида фойдаланишга топшириш учун ғайрат қилмоқдалар. Бу тошкентликларга бунёдкорларининг янги йил совғаси бўлади.
Т. Каримов фотоси.

КПСС XXIV съездини муносиб кутиб оламиз!

Мусобақа самараси

Тадбиркорлик билан меҳнат қилиш 3-қурилиш трести коллективига янги мувaффақиятларни қўлга киритишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

Меҳнатсевар бунёдкорлар коллективи бош пудрат бўйича беш йилликда мўлжалланган қурилиш-монтаж ишлари программасини муддатидан икки ой аввал бажардилар. Ана шу даврда бир юз етмиш бир миллион сўмликка яқин иш бажарилди. Бу планда белгиланганидан бир мунча ортиқдир. Қурувчилар ўз кучлари билан бажариши зарур бўлган ишларни шараф билан бажариб келишяпти.

Сўзи билан иши бир бўлган бинокорлар салкам беш йилга яқин ўтган вақт мобайнида 293 минг квадрат метрга яқин турар-жой биноларини қўлдан чиқариб, ҳамшаҳарларимизга топширдилар. Шуниндек, тўққиз мингга яқин ўқувчини ўз кучоғига олувчи мактаб бинолари қурилиб ишга туширилди. Бинокорлар бунёд этган боғча ва ясли-ларда эса 2 мингдан ортиқ эркатой тарбияланмоқда. Бундан ташқари, 39 та саноат объекти ва бошқа кўплаб маданий-маиший хизмат кўрсатиш биноларининг фойдаланишга топширилганлиги азамат қурувчининг иши барака-ли бўлганлигидан далолат бериб турибди.

Трест аҳли қучган бундай катта зафарда бешинчи, ўн олтинчи, йигирма учинчи ҳамда олтмиш учинчи бошқармалар бинокорлари арзангулик улуш қўшдилар.

Рационализатор қурувчиларнинг изланишлари ҳам катта самара беряпти. Янгилик ижодкорлари томонидан тушган юздан ортиқ қимматли таклифнинг қурилиш ишларида қўлланилиши 865 минг сўмга яқин давлат маблағини тежаб қолиш имконини берди.

Шу кунларда трест қурувчилари беш йиллик планга қўшимча яна тўққиз миллион 100 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш юзасидан олган юксак мажбуриятларини бажариш йўлида ғайрат намуналарини кўрсатиб ишлаяптилар.

КАСБИНИ СЕВИБ

«Москва — Тошкентга», «Украина — Тошкентга», «Ленинград— Тошкентга» деб ёзилган қизил алвонлар билан ўралб эшелонлар Ўзбекистон пойтахти томон йўл олаётган бир пайтда, Александр Совет Армияси сафида охирги йили хизмат қилаётган эди. Хизматдан сўнг, у тўғри Тошкентга келиб ,153-трестнинг 14-қурилиш бошқармасига ишга кирди. Кадрлар бўлими унга М. Икромов бошлиқ комплекс қурувчилар бригадасига йўлланма берди.

...Тўртинчи қаватда иш кетаяпти. Агдарма машиналар тинимсиз қатнаб турибди. Баҳайбат кран қурувчиларга гоҳ ғишт, гоҳ ёғоч, гоҳ қоришмаларни пешма-пеш етказиб бермоқда. Бу ердагижўшқин меҳнат Александрни ҳам ўз оғушига олди. Йигирма йилдан буён ғишт теручилик касбида меҳнат қилиб, кўпгина шогирдлар етиштирган Фоиқ Тефеков биринчи кундан бошлаб унга ҳунар ўргата бошлади.

Мана, тўрт йилдирки, Александр Реков ўзи севган касби — ғишт теручи бўлиб ишлаб келмоқда. Ғ. Ғулом кўчасидаги ҳар бири 72 оилага мўлжалланган 4,5-турар жой binолари, Волгоград кўчасида жойлашган кондитер фабрикаси, 22-«В» кварталидаги 48 квартирали 22-турар жой биноси ва 163-алоқа бўлимлари шулар жумласидандир. Александр ишбилармонлиги ва ўз касбини пухта эгаллаганлиги билан бригада аъзолари орасида катта обрў қозонган. Шунинг учун ҳам, бу йил апрель ойида «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медали билан тақдирланди. Кўксини «Тошкент қурувчиси» нишони безаб турибди..

А. Реков ишлаётган бригада аъзолари самарали меҳнат қилиб, учинчи квартал қурилиш-монтаж ишларини 162процент қилиб бажаришди ва бошқарма бригадалари орасида биринчи ўринни эгаллашди.

Шу кунларда, коммунист Икромов бошлиқ бригада аъзолари 22-«В» кварталидаги икки қаватли «Савдо Маркази» биносини қуриш ишларини жадаллик билан олиб бормоқдалар. Коллективнинг бирдан-бир мақсади бинони тез ва соз қуриб, жонажон Коммунистик партиямизнинг XXIV съездига муносиб армуғон этишдир.

М. ҚУРБОНОВ.



СУРАТДА: экскаватор заводининг илғор слесари, коммунистик меҳнат зарбдори Тоҳир Исроилов. У кунлик нормаларини ортиғи билан адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.
М. Нуриддинов фотоси.

АЪЛО СИФАТЛИ ТЕХНИКА—ҚИШЛОҚҚА

Тошкентдаги «Узбексельмаш» заводи гербицидларни ерга соладиган аппаратларнинг янги турини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Кенг қаторларга экилган ғўзани парвариш қилувчи бу механизмлар биринчи марта анча кучли тракторларга тиркаб ишлатилади.

Беш йиллик мобайнида корхона ана шундай аппаратларнинг уч турини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу механизмларнинг ҳаммасини С. Перетонин раҳбарлигидаги коммунистик меҳнат бригадаси йиғди. Шу вақтга қадар бу механизм ўстидан ҳеч қандай шикоят тушгани йўқ. Шахсий беш йиллик планини муддатидан олдин бажарган ана шу коллективнинг ҳар бир аъзоси ўз маҳсулотини техника контроли бўлимига кўрсатмай топшириш ҳуқуқини олди.

«Узбексельмаш» заводининг аппаратлари бегона ўтларни йўқотишда пахтакорларнинг жонига оро киргизмоқда. Бу йил корхона қишлоқларга икки мингта, яъни бултургидан саккиз юзта кўп ана шундай механизм етказиб беришни мўлжаллаб турибди. Шу механизмларни ишлаб чиқариш графигидан ташқари ҳозирнинг ўзида етмиш иккита аппарат ишлаб чиқарилди.

(ЎзТАГ).

„Тошкент оқшоми“ БОНГ УРАДИ

✦ 331 МИНГ СЎМЛИК МАҲСУЛОТ КАМ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНДИ

✦ БУ ҲАР БИРИ 60 КВАРТИРАЛИ САККИЗ УЙ БИТМАДИ ДЕМАКДИР

✦ 8000000 ҒИШТ ОБЪЕКТГА БОРМАДИ

✦ УН БИР ОЙЛИК ПЛАН БАЖАРИЛМАДИ.

Шаҳримизнинг қайси бурчагига борманг, ҳамма ерда улкан кранлар хартумининг кўкка бўй чўзиб турганини кўрасиз. Демак, қурилишлар—уй-жой, мактаб, шифохона, саноат корхоналари ва турли маиший хизмат кўрсатиш объектларига дуч келасиз. Панель, мослама, қоришма, арматура сингари қурилиш материалларини юклаб келаётган машиналарнинг сафи узилмайди. Бу эса қурилиш саноати кенг қулоч ёйганидан далолат беради.

Қурилиш операцияларини механизациялаштириш эса қурувчилар қўл меҳнатини енгиллаштирмоқда. Эндиликда монтажчи, кранчи, пайвандчи касбларининг пайдо бўлиши шундан далолат бериб турипти.

Қурилиш саноати нақадар ривожланмасин, ғишт ҳамон хом ашё сифатида ишлатилмоқда. Бу эса ғишт тайёрловчи корхоналар зиммасига катта масъулият юклайди. Улар ўз вақтида қурилиш майдонларига етарли миқдорда ғишт етказиб беришларини тақозо қилади. Шу жиҳатдан қараганда ғишт заводлари бошқармаларининг иши ҳали мутлақо қониқарсиз. Шаҳримиздаги ғишт заводлари бошқармаларининг бирортаси ҳам ғишт реализация қилиш ўн ойлик планини бажармади. Бу эса қанча-қанча қурилишларнинг чала қолиб кетиши деган гап.

Биз ўн ойликда энг паст кўрсаткичга эришган 5- ғишт заводлари бошқармасида бўлдик. Бошқарма ўтган ўн ой мобайнида пландаги 2.107 минг сўмлик ўрнига 1.775 минг сўмлик ғишт реализация қилди. Демак, 332 минг сўмлик ғишт қурилиш майдонларига пландаги 2.107 минг қурилиш майдонларига бормади. Ҳар қанон ҳисоб-китоб қилинганда, бошқарма раҳбарлари келгуси йилда реализация планини тўлдиришга ваъда беришади. Ой ўтган сари план бажарилиш ўрнига камайиб боряпти.

Ниҳоят ғишт қуйиш ва пиширш мавсумининг сўнгги ойи октябрь келди. Октябрь ойида реализация қилиш пландаги икки юз минг сўм ўрнига бир юз етмиш минг сўмни ташкил қилди, ёки ўттиз минг сўмлик маҳсулот жойларга етказиб берилмади. Бу рақамлар замирида нима ётганлигига бир назар ташлайлик.

Ўтган ўн ой мобайнида реализация қилиниши лозим бўлган уч юз ўттиз икки минг сўмлик маҳсулот саккиз миллион донадан кўпроқ тайёр ғишт демакдир. Агар шу ғиштлар қурилиш майдонига келтирилганида эди ҳар бири олтмиш квартирали саккизта турар-жой биноси қуриларди. Бу ўз навбатида тўрт юз саксон хонадонни квартира билан таъминлаш имконини берарди; мактаб, боғча ва маданий маиший хизмат кўрсатиш муассасаларида иш суръати анча яхшиланарди.

Ғишт заводлар бошқармасининг реализация планини бажармаслиги маҳсулотнинг сифатсиз бўлиши ёки бир жойга тўпланиб қолиши туфайли содир бўлмаган. У ерда ҳатто реал маҳсулот тайёрлаш плани ҳам ой сайин бажарилмай келиняпти. Бунинг учун планлаштириш бўлимининг бошлиғи Маина Максимовна Сазонова томонидан бизга берилган маълумотга кўз югуртиришнинг ўзи кифоя.

Ўтган ўн ой мобайнида 2- ғишт заводидан бошқа олти заводнинг бирортаси ҳам реал маҳсулот тайёрлаш планини бажармаган. Бошқарма бўйича кўрсаткич ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан деярли 20 процентга камайиб кетган. Пландан ҳам тайёрланган реал маҳсулотнинг ўзи беш миллион икки юз беш минг ғиштни ташкил қилади. Бу миқдордаги ғишт билан ҳар бири олтмиш квартирали бешта уйни тиклаш мумкин бўларди.

Қолоқликда Алимат Хусаинов бошлиқ 5- ғишт заводи ҳаммага «намуна» бўлмоқда. Завод ўн ойлик реал маҳсулот ишлаб чиқариш планини 46,6 процент бажарди. Ўтган йилги ўн ойлик кўрсаткичдан ҳам 16 процент орқада қолиб кетди. Бу корхонанинг октябрь ойи натижаси янада ташвишли. Октябрь ойида пландаги 1.100 минг ўрнига 131 минг дона ғишт тайёрланди ёки кўрсаткич 11,3 процентни ташкил қилди.

План бажарилмаслиги ҳақида гап юритилганда, бошқарма раҳбарлари ишчи кучи етишмаслигини ва қўнимсизликни рўкач қиладилар. Чиндан ҳам шундайми? Бўлмаса нега ўтган йили 5- заводдан бошқа барча заводлар ўн ойлик планни ортиғи билан бажарган-у, бу йил бажара олмади? Бунинг имконияти бормиди?

Бизнингча, меҳнат тўғри ташкил қилиниб, ҳар бир имкониятдан тўғри фойдаланилса, планни тўлдирса бўларди. Бунинг учун узоққа боришнинг кераги йўқ. Исмоил Мусаев бошлиқ 2. ғишт заводининг натижасига назар ташлаш кифоя.

Бу корхона пешқадам бўлмаган бирон ой, квартал ёки йил йўқ. Ғишт заводлари бошқармасида биринчи бўлиб беш йиллик планни бажарганлиги ҳақида рапорт берди, ноябрь ойининг охирги кунида йиллик планни бажарган завод коллективи келгуси йил ҳисобига маҳсулот беришга ўтди.

— Бунга меҳнатни юксак даражада ташкил қилиш, печлар ва бошқа воситалардан унумли фойдаланиш туфайли эришдик, — дейди завод бошлиғи Исмоил Мусаев. — Мария Федоровна Лебедова ва Петр Николаевич Луканов бошқараётган ҳар икки сменада ҳам ишчилар учун барча шароитлар мавжуд. Деярли барча операциялар қўлда бажарилишига қарамай, ғишт терувчи Одил Абдуманнонов, Ильгаз Шагаев, съемкачи Мария Симонова, ғишт пиширувчи Евдокия Болонкина меҳнатда намуна кўрсатмоқдалар. Шу туфайли ҳар сменада эллик мингтадан ғишт пиширилишига эришмоқдамиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, агар заводларда иш процесси механизациялаштирилса, яхши натижага эришиш, мавжуд ишчи кучлари билан бемалол бажарса бўлар эди. Заводга неча йилдан буён автоуклаткич келтириш ҳақида ваъда беришади. Аммо мана уч йилдирки, ваъда қилинган механизм ҳамон келтирилгани йўқ. Холбуки, бундай аппаратлардан фойдаланган Чирчиқ ва бошқа шаҳарлардаги ғишт заводлари яхши натижаларга эришмоқдалар.

Беш йилликнинг сўнгги одимлари яқинлашмоқда. Бир қанча корхоналар беш йиллик планни аллақачон бажариб қўйишган. Аммо 5- ғишт заводлари бошқармаси эса ҳамон қолоқликдан чиқиш йўлини топгани йўқ. Ноябрь ойи натижаси ҳам қувонарли эмас. Бунинг учун бошқарма кўргазма тахтасига мурожаат қиламиз.

Ойлик планни 108 процент бажарган 2- ғишт заводи ва 90 процент бажарган 1- ғишт заводидан ташқари бирорта корхонанинг кўрсаткичи 70 рақамидан юқори кўтарилгани йўқ. Туроб Орифжонов бошқараётган 4-ғишт заводининг кўрсаткичи эса 5-ғишт заводидан ҳам пастга тушиб кетган. Иш бу аҳволда кетаверса реализация қилиш кўрсаткичи янада пастга тушиб кетади.

Қолоқлик доғини ювиш учун фақат битта йўл бор—корхона барча ишда механизацияни дадиллик билан қўллаб ички имкониятлардан тўла фойдаланиши зарур. Акс ҳолда келгуси йил кўрсаткичи янада пастга тушиб кетиши, қўнимсизлик кўпайиши мумкин.

Ҳ. ҲАКИМОВ,
Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
«Тошкент оқшоми» махсус мухбирлари.

Жонажон республикамизда

ЮКСАК МУКОФОТЛАР

Туркманистонда тамом бўлган механизатор - мелиораторларнинг Бутуниттифоқ мусобақасида бизнинг учта юртдошимиз совринга сазовор бўлди.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг Қашқадарё механикациялаштирилган кўчма колоннаси экскаватор машинистининг ёрдамчиси Анатолий Окаев кичик классдаги машиналар мусобақасида, Ирригация ва совхозлар қурилиши Ўрта Осиё Бош бошқармасининг «Каршистрой» бошқармасидан экскаватор машинисти Михаил Карманов йирик классдаги машиналар мусобақасида кумуш медаль билан тақдирландилар.

«Харезмводстрой» трестининг экскаваторчиси Оллаёр Собиров бронза медали билан мукофотланди.

Механизатор- мелораторларнинг конкурси В. И. Ленин номидаги Қорақум канали трассасида ўтказилди. Мамлакатимиз нинг энг яхши 120 экскаваторчиси моҳир ва юқори классли механизатор деган ном учун ўтказилган мусобақаларда иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ЁҚИЛҒИ

Бухоро—Тошкент — Фрунзе магистрал газ қувурининг ходимлари Бухоронинг табиий газини истеъмолчиларга беш йиллик планга қўшимча равишда етказиб бера бошладилар. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистоннинг ва Қозоғистон жанубий районларининг халқ хўжалигига салкам 37 миллиард куб метр арзон ёқилғи берилди.

Ҳозир республикадаги 39 шаҳар, деярли ҳамма совҳозлар ва мингга яқин колхоз табиий газ олиб турибди. Юзлаб саноат корхоналари арзон ёқилғи билан ишламоқда. Келгуси йили шу магистрал орқали Олмаотага, бутун Фарғона водийсининг саноат корхоналари ва хўжаликларига ҳам табиий газ бериладиган бўлади.

Йил охиригача магистрал ходимлари беш йиллик пландан ташқари яна бир ярим миллиард куб метр ёқилғи етказиб берадилар.

(ЎзТАГ).

БОЛАЛАР КИНОТЕАТРИ

САМАРҚАНД. Шаҳар марказида болалар кинотеатри очилди. Бу кинотеатрда болалар, ўспиринларга аталган фильмлар ва ўқув фильмлари намойиш қилинади. Кинотеатрнинг биринчи репертуар планида «Она» «Ханжар», «Маскарад», «Шкид республикаси», «Қор малика», «Йўқолган вақт тўғрисида эртак» ва бошқа шу каби йигирмата фильм бор. Бу кинотеатрда кино артистлари билан учрашувлар, томошабинларнинг конференциялари ҳам ўтказилиб турилади.

Институт учун янги бино

МАРҒИЛОН. (ЎзТАГ). Фарғонадаги 14-трест бинокорлари Ўзбекистон ипак саноати илмий тадқиқот институтининг олимларига яхши совға тортиқ қилишди. Улар институтнинг умумий саҳни 4800 квадрат метрдан иборат ишлаб чиқариш - лабораторияси корпусини қуриб битказишди. Бу корпусга турли лабораториялар, шунингдек, энг янги пиллакашлик ва шойи тўқиш ускуналари билан таъминланган ишлаб чиқариш цехлари жойлаштирилади.



Тошкентдаги амалий санъат музейи янги биноga кўчиб ўтди. Оригинал архитектура ансамблидан иборат бўлган бу бинони кўрган тошкентликлар қўли гул ўзбек усталарига тасаннолар айтишмоқда.

СУРАТДА: кўргазмага қўйилган тошкентлик Муҳид Раҳимов ясаган сопол буюмлар. А. Авазов фотоси, (ЎзТАГ).

Марказий Фарғонадаги янги совхозлар

АНДИЖОН. (ЎзТАГ). Марказий Фарғонанинг Ёзёвон массивида В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги ва «Комсомол» номли иккита янги совхоз ташкил қилинди.

Қум тепаликлар уюлиб ётган чўл, шўр босган ва қамишлар ўсиб ётган ерлар одамларга анчадан бери бўйсунмас эди. Деҳқонларнинг сайёр бригадалари чўлни ўзлаштиришга астойдил бел боғладилар. Ҳозир В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги номли совхоз 6684 гектар ерга эга, шундан 4211 гектари фойланишга яроқли.

Ерни шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш учун дастлабки 20 гектар ерда ихота дарахтзорлари вужудга келтирилди. Катта Андижон канали қўриқ ердаги хўжаликларни сув билан тўла таъминлайди.

Яхши фазилатли кишиларимиз

ШИРИНСУХАН ШИФОКОР

Тонг. Соат мили саккизни кўрсатиб турибди. Беморлар хонасига қорачадан келган, ўрта бўй, истараси иссиққина аёл кириб келди, ҳамма унга салом берди:

— Салом, яхшимисизлар,— дея сўрашди у беморлар билан, — тузукмисизлар?...

— Раҳмат сизгилим.

— Руҳимиз анча енгил тортиб қолди, — бирин-кетин жавоб қилишди беморлар. У биринчи каравотдаги бемор ёнига келди:

— Қани юрагингизни эшитиб кўрай-чи.

Шифокор Санъатхон бемор кўксига трубкасини қўйиб текшира бошлади:

— Яхши, қон босимингиз кўнгилдагидек, уч-тўрт кунда соғайиб, уйга қайтасиз... Энди худа-бехудага ҳаяжонланманг, айниқса асабийлашманг.

— Барака топинг, сизгилим.

Шифокор ҳар бир бемордан ана шундай илтифот сўзларини эшитиб, беихтиёр кувонарди. Ана кувончи унга далда берди. Санъатхон кунт-сабот билан ўқиди. Меҳрибон ота-онаси йўқлигини билдирмай, кўзининг оқу-кораси, ёлғиз қизининг билимини ошириш учун доим ғамхўрлик қиларди. Санъатхон Намангандаги 1-ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Медицина институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди. Институтни тамомлаб Акбар Асқаров раҳбарлигидаги клиникада ординатор бўлиб ишлади.

Йиллар ўтди. У ўз билим доирасини кенгайтириш мақсадида 1965 йили Москвада таҳсил кўрди. Сўнгра Тошкентга келиб профессор Зулфия Умидова раҳбарлигида аспирантурада ўқиди ва Домбиробод массивидаги 16-шаҳар касалхонасининг терапия бўлимига йўлланма олди. У ҳозир ҳам шу клиникада ассистент бўлиб ишламоқда. Шу кунларда Санъатхон «Қон босимининг аҳамияти» деган мавзуда илмий иш олиб боряпти.

Санъатхон ўзи даволаган собиқ беморларидан миннатдорчилик мактублари олиб туради. Шифокор бунга тунлари мижжа қоқмай, инсон тақдири ҳақида ўйлаб, изланиш натижасида эришмоқда. Буюк олим Бехтеров шифокор билан бемор ўртасидаги муносабатни шундай таърифлайди: «Модомики, шифокор бемор билан суҳбат ўтказгандан сўнг бемор ўзини яхши ҳис этмаса, у ҳолда бундай шифокорни ҳақиқий шифокор деб бўлмайди», деган эди.

Санъатхон буни ҳеч қачон унутмайди.

Р. МУҲСИМОВА.

Бугунги Қорақалпоғистон

Амударёнинг Орол денгизига қуйилиш жойида, атрофи Қорақум ва Қизилқум саҳролари, Устюрт даштлари билан ўралган воҳада Қорақалпоқ диёри ястаниб ётипти. Ярим аср муқаддам бу ерда очлик, саводсизлик камбағаллик касалликлар ҳукм сурарди. Қорақалпоқ халқини ўз бойлари ва Чор Россиясининг корчалонлари зулукдай сўриб ётардилар. Турк уруғларидан бири бўлган қорақалпоқларнинг фожиали ва оғир ўтмиши бугуни кунда кўркинчли тушга ўхшайди. Бу ўлка денгиз бўйида соч тараётган сув парисидай чирой очмоқда.

Қорақалпоқ халқининг ижтимоий кишанлардан озод бўлган кўплари бугунги кунда мўъжизалар яратяпти. Қисқа вақт ичида чўлларда узунлиги Москвадан Владивостоккача бўлган масофага тенг каналлар ўтказилди, Юзлаб артезиан қудуқлари қазилди, кенглиги салкам Швейцария майдонига тенг яйловлар суғорилиб, пахта, шоли плантациялари барпо қилинди. Халқаро бозорда Қорақалпоғистоннинг қоракўл териси, қора қўнғир тулки, қундуз ва ондатра терилари севиб харид қилишади.

Орол денгизи эса битмас-туганмас хазина. Унда овланадиган сазан, жерех, лаққа, чўртан каби ўнлаб балиқ турлари ва улардан тайёрланадиган маҳсулотлар Иттифоқимиздагина эмас, чет элларда ҳам машҳур.

Республикада қурилиш кенг кўламда олиб бориляпти. Фақат кейинги йилларда саноат, маданий-маиший, турар-жой қурилишига ажратилаётган давлат маблағи бир неча баробар кўпайди. Тахиатош, Устюртдаги Комсомольск каби янги шаҳарлар қад кўтарди. Илгари чор атрофи чўл билан ўралган республика пойтахти — Нукусда ўнлаб янги турар-жой массивлари, маъмурий бинолар, боғ ва хиёбонлар яратилди. Ҳозирги кунда у замонавий, гўзал шаҳарлардан бирига айланган.

Яқинда тошкентлик рассом Н. Корнилов Қорақалпоғистонда бўлиб, республиканинг бир қанча машҳур кишилари сиймосини ва табиат манзараларини чизди. Шу суратлардан баъзиларини газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.



Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ шоири Содиқ Нурумбетов.



Композитор, Бердах номли республика мукофоти лауреати Шомурод ота Мусаев.



Актриса Бозоргул Бердимуродова.

Ажойиботлар

ҚИРҚ ҚУЛОҚЛИКЛАР ҲАР ХИЛ БЎЛАДИ...

Кузги совуқ тушиши билан ботаника богидаги ўсимликлар қиш тараддудини кўра бошлайди. Биргина қирқ қулоқликлар оиласига мансуб гул совуқни писанд қилмагандек ям-яшил кенг баргларини ёзиб тураверади.

Узоқ Шарқда жаҳондаги энг қадимий ўсимликлардан бирининг оиласига мансуб гул —қирқ қулоқликларнинг олтмишдан ортиқроқ тури учрайди. Ана шу гулларнинг ярмисидан кўпроғи узоқ Шарқдаги илмий марказ — Ботаника богида ўстирилади.

Қирқ қулоқликлар турли-туман ном билан аталади. Ботаника богида унинг беш хил ном билан аталадиган тури бор. Бу ўсимликнинг баъзи бир тури ўрмонда ўсишни хуш кўрса, нам ерни ёқтирса, бошқа бир тури қояларда ва тошлоқ ерларда, учинчи бир тури ҳатто дарахтларнинг шохларида ўсаётганлигини кўриш мумкин.

Олимлар қирқ қулоқликлар тўғрисидаги кўп йиллик тадқиқотларини тамомладилар. Бу чиройли ўсимликлар манзарадор қурилишлар учун тавсия қилинди.

ТОҒЛАРДАГИ «СУРАТХОНА»

Арманистонда денгиз сатҳидан 3 минг 300 метр баландликда жойлашган Ухтасара тоғларининг этакларида ибтидоий рассомларнинг қояларга чизган 2 мингдан ортиқ тош суратлари бор. Бу суратларда турмуш манзаралари, ов пайти, диний байрамлар, рақслар тасвирланган. Бу суратлар қадимий аждодларимизнинг ҳаёти тўғрисида, ўша замонлардаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тўғрисида тасаввур беради.

Арманистон ССР Фанлар академияси «Қоялардаги тасвирлар» деган китоб-альбом нашр этди. Бу китоб-альбом нодир суратлар тўғрисида ҳикоя қилади. Китоб-альбомда 342 та сурат бор. Китоб муаллифлари Г. Караханян ва П. Сафян «тош суратларни» қидириб, эгри-бугри тоғлар оралаб, бир неча юз километр йўл босиб ўтишган, тоғ чўққилари ва силсилаларида бўлишган. (ТАСС).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ҚАҲР-ҒАЗАБ БИЛАН НОРОЗИЛИК БИЛДИРМОҚДАЛАР

Ханой. Жанубий Вьетнам Миллий Озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг раиси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат Революцион ҳукумати маслаҳат-кенгашининг раиси Нгуен Хиу Тхо Озодлик матбуот агентлиги мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: Америка авиациясининг Вьетнам Демократик Республикаси территориясини бомбардимон қилиб, ўққа тутаётганлиги Вьетнам Демократик Республикасининг суверенитети ва хавфсизлигига сурбетларча ҳамла қилиш бўлиб, ғоят жиддий ҳарбий хуружлардан иборат.

Рим. Италиянинг Александрия шаҳрида яшовчи неча минглаб киши —ишчилар, деҳқонлар, демократик ва тараққийпарвар жамоатчилик вакиллари Америка ҳарбийларининг Вьетнам Демократик Республикаси территориясини яна бомбардимон қила бошлаганликларига қарши норозилик митинги ва намойишда қатнашдилар. Италия Коммунистик партияси раҳбарлигининг аъзоси Акилле-Окетто митингда сўзлаган нутқида қуйидагиларни айтди: Шимолий Вьетнамнинг яна бомбардимон қилинаётганлиги Қўшма Штатларнинг ўзини ожиз деб ҳис этаётганлигидан ва ўз шартларини вьетнам халқига мажбуран қабул қилдира олмаётганлигидан далолат беради.

Стокголъм. Швеция Бош министри У. Пальме АҚШ авиациясининг Вьетнам Демократик Республикаси территориясини яна бомбардимон қила бошлаганлигини қоралади. Бош министр Хальмстдда сўзлаган нутқида АҚШнинг ана шу янги агрессиясини «бемаъни хуруж» деб атади. Бу хуруж, деди у, Париж музокараларига эа «Вьетнамда тинчлик ўрнатиш йўлидаги ижтилишларга ҳалақит беради, бундай интилиш бутун дунёда ўз ифодасини топмоқда».

Коломбо. Цейлон жамоатчилиги Америка авиациясининг Вьетнам Демократик Республикаси территориясини ваҳшиёна бомбардимон қилаётганлигини қаттиқ қоралаяоқда. Цейлон тинчлик кенгаши Американинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши агрессияси дарҳол тўхтатилсин, деб талаб қилди.

(ТАСС).

Социализм мамлакатларида

Чехословакиянинг улкан ғалла хирмони

ПРАГА. Чехословакияда ғалла йиғиштириш ортиб бормоқда. Бу йил Словакия Социалистик Республикасининг бир ўзидагина етиштирилган ғалла 1960 йилда бутун Чехословакия Социалистик Республикасида олинган дон ҳосилига баравардир. Кейинги икки йил мобайнида дон экинларининг ялпи ҳосили 7 миллион тоннадан ошиб кетди, ғалла етиштириш янги, беш йиллик планнинг охирига бориб, қарийб 8 миллион тоннага етказилади.

Республика деҳқонлари қандай усуллар билан ҳосилни анча кўпайтиришга эришмоқдалар? Меҳнатни кенг кўламда механизациялаш, фан ва техника ютуқларидан қишлоқ хўжалигида қўпроқ фойдаланиш — энг муҳим усуллардандир.

Химиявий ўғитлар дон экинлари ҳосилдорлигини оширишда катта роль ўйнайди. Ҳозирги вақтда мамлакатда ҳар гектар ерга ўрта ҳисобда 150 килограммдан минерал ўғит солинмоқда. Ғаллакорлар бугдойнинг Совет Иттифоқидаги етиштирилаётган юқори ҳосилли навларни экишга катта умид боғламоқдалар. «Мироновская», «Безостая», «Октябрьская» навлари мамлакатнинг деярли ҳамма районларида экилмоқда. Бу навлар экилган жойларда гектар бошига 40—50 центнердан дон олинмоқда.



Чехословакия сиёсий маориф шохобчаларида машғулотлар бошланди. Республиканинг ўн минглаб коммунистлари марксизм-ленинизм соҳасидаги ўз билимларини мустаҳкамлашмақсадида аудиторияларга келишди.

СУРАТДА: Чехословакия Коммунистик партияси Прага шаҳар комитети қошидаги кечки марксизм-ленинизм институтининг катта аудиториясида машғулот пайти.

(ТАСС фотохроникаси).

БОЛГАРИЯ КЎЧАТЗОРЛАРИ

СОФИЯ. Софияйинг ихтисослаштирил г а н сабзавот магазинларида янги помидор ва бодринг сотила бошланди. Ҳозирча уларнинг миқдори кам бўлса ҳам, бир ойдан кейин кўчатзорла р д а қишнинг биринчи ҳосили йиғиштириб олинади ва Болгария пойтахти аҳолиси янги сабз а в о т н и кўп истеъмол қилиш имконига эга бўлади.

Болгарияда кўчатзорларни кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги вақтда 607 гектар кўчатзор бор, янги беш йилликда эса кўчатзорлар бир минг гектарга етказилади. Тақкослаб кўрсатиш учун шуни айтиш керакки, эски Болгарияда кўчатзорлар 3,6 гектардан ошмас эди.

Болгария сабзаватларни экспорт қилиш жиҳатидан Европада Голландиядан кейин иккинчи ўринга чиқиб олди помидор, бодринг ва қалампир ҳосилдорлиги жиҳатидан эса, Голландиядан ҳам ўзиб кетди. Шу йилнинг ўзидаёқ қарийб 70 минг тонна сабзавот олинди, йилнинг охиригача яна 2.700 тонна сабзавот етиштирилади. Бу маҳсулотнинг 70-80 проценти кўп мамлакатларга, шу жумладан, Совет Иттифоқига ҳам юборилмоқда.

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

УЛАН-БАТОР. Қиш фасли — чорвадорларнинг ишида энг масъулиятли даврдир. Бу йил куз фасли одатдан ташқари узоқ давом этиб, илиқ келганидан кейин бирданига қиш кирди. Монголия Халқ Республикасининг марказий зонасидаги кўп аймоқларда қалин қор ёғди.

Монголия чорвадорлари қиш фаслида молларни яхши боқиш учун бундай шароитда фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар. Қишлоқ хўжалик бирлашмалари ва давлат хўжаликлари янги чорвачилик бинолари қуриш йиллик планини бажардилар. Неча юзлаб қудуқ ва суғориш пунктлари ремонт қилинди. Чорвадорларнинг яйловларига кўп миқдорда ем-ҳашак келтирилмоқда.

Монголия Халқ Республикасидаги партия ва давлат органлари шу кунларда ҳамма жойда молларни қиш фаслида боқишга қандай тайёргарлик кўрилаётганлигини текшириб чиқмоқдалар.

Монголия чорвадорлари мамлакатдаги халқ революциясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақада актив қатнашмоқдалар. Бу байрам келгуси йилнинг июль ойида тантанали вазиятда нишонланади.



АҚШ. СУРАТДА: Лос-Анжелес (Калифорния штати) яқинидаги Каноган-парк аҳоли пунктида америкалик ишсизлар меҳнат биржаси олдидан навбатда туришибди. Бу ерга етти юзга яқин киши ишга жойлашиш умидида келган эди, ам мо тўрт нишигина бунга муяссар бўлди.

Меҳнат министрлигининг сўнгги маълумотлар ига қараганда октябрь ойида ишсизлар сони умумий меҳнатга лаёқатли қишиларнинг 5,6 процентини ташкил этган.

Сурат Америка журнали «Тайм»дан олинган.

ИСРОИЛ ЯНГИ «ШАРТЛАР» ҚЎЙМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Исроил ҳукумати тўсқинлик қилиш ва найранг ишлатиш сиёсатини давом эттириб, Гуннар Ярринг воситасида учрашувлар ўтказилишига қарши чиқмоқда. Юнайтед пресс агентлигининг Қуддусдан хабар беришича, Исроил ҳукумати мудофаа министри Моше Даянга АҚШга борган чоғида «Исроилнинг музокараларни тиқлаш шартлари»ни Америкаиинг расмий шахслари билан муҳокама қилишни топширган.

Агентликнинг хабар беришича, «Исроил раҳбарлари АҚШнинг 1971 йилдан кейин ҳам Исроилга ҳарбий ва иқтисодий ёрдам бериш ҳақидаги ваъдасини, шунингдек АҚШ Исроилга маъқул бўлмаган резолюцияни қабул қилдирмаслик учун Хавфсизлик Кенгашида вето ҳуқуқидан фойдаланажаги тўғрисида ваъдасини олишга қарор бердилар.

Моше Даян 29 ноябрда Тель-Авивда сўзлаган нутқида Исроилнинг территория тўғрисидаги даъволарини, жумладан, Голан тепаликлари, Ғазо райони ва Тиран кўрфази ҳақидаги даъволарини яна такрорлади.

Тель-Авивнинг ана шундай дастлабки шартлари ва Исроил ҳукумати аъзоларининг экспансиячилик руҳидаги гаплари Вашингтоннинг қўллаб-қувватлашидан руҳланган Исроилнинг Яқин Шарқдаги тангликни Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрь резолюцияси асосида бартараф қилиш йўлига янги ғовлар солиш ниятида эканлигини исбот қилади.

ЯНГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

РИМ. (ТАСС). Италия сенати эр-хотиннинг граждаплик никоҳини бузиш ҳуқуқи тўғрисидаги қонунни 286 овозга қарши 319 овоз билан узил-кесил қабул қилди.

Италияда «талоқ масаласи» бир йилдан ошиқ чўзилди. Қонун лойиҳаси биринчи марта бултур 28 ноябрда Италия парламентининг депутатлар палатасида конкрет равишда кўриб чиқилган эди. Ўшанда қонун лойиҳасини 325 киши ёқлаб чиққан, 283 киши эса қаршилик қилган эди.

Лойиҳа қонун кучини олиш учун уни парламентнинг бошқа палатаси—сенат маъқуллаши керак эди. Мамлакатнинг ҳаёти учун муҳим ҳисобланган шу проблемани сенат кўриб чиқишга киришмоғи учун ярим йилдан ошиқ вақт талаб қилинди.

Ҳозирги Италия шароитларида катта ички сиёсий проблема миқёсини олган шу масала тевараги да қаттиқ баҳслар авж олиб кетди. Ҳатто ҳукумат «сўл марказ» коалициясининг турғун бўлиб қолиши шу масаланинг ҳал этилиши натижасига боғлиқ қилиб қўйилган пайтлар ҳам бўлди. Ҳукуматда кўпчиликни ташкил қилган катта Христиан демократик партияси ажралиш тўғрисидаги қонун лойиҳасининг асосий мухолифи бўлиб чиқди.

Ажралиш тўғрисидаги қонун лойиҳасининг мухолифлари ҳар хил ҳийла-найранг ва бюрократик сургашлар (тузатишлар, қўшимчалар, ўзгартишлар ва ҳоказо) ёрдамида қонун қабул қилинишини қарийб бир йил тўхтатишга муваффақ бўлдилар. Лекин ажралиш тўғрисидаги қонун кунга кирган ҳозирги кунда ҳам христиан-демократлар Италиянинг онла ҳукумдаги ўрта аср қолдиқларининг сақланиб қолиши учун курашни давом эттираверадилар ва ушбу масала юзасидан умуммиллий референдум ўтказилишини талаб қилишлари мумкин, деган фикрни маҳаллий сиёсий доираларда эшитиш мумкин. Парламентнинг Христиан демократик партиядан бўлган баъзи аъзоларининг расмий гаплари ҳам шуни тасдиқламоқда.

Вьетнам ватанпарварларининг жанговар муваффақиятлари

ХАНОЙ. (ТАСС). Ханой матбуотида Жанубий Вьетнам халқ Озодлик қуролли кучларининг шу йил ноябрь ойида қўлга киритган муваффақиятлари, ҳақидаги хабарлар эълон қилинди.

Хабарларда айтилишича, Озодлик Армиясининг отрядлари ноябрь ойида Куангчи ва Тхинатхиен вилоятларида парашютчиларнинг бир ротасини, Америка қўшинларининг икки взводи ва бир разведка отрядини қириб ташладилар.

Ватанпарварлар Ратьзя, Камау ва Сокчанг вилоятларида душманнинг бир мингга яқин солдат ва офицерини сафдан чиқардилар, 20 та ҳарбий кемасини чўктириб юбордилар.


Америка—Сайгон қўшинлари Куангнам вилоятида ўтказган «тинчлантириш» операцияси вақтида 117 кишидан ажралдилар.

Марказий Намбо районидаги Чанглан ҳарбий зонасида озодлик кучлари душманнинг 300га яқин солдатини йўқ қилдилар.

Ноябрь ойида бўлган жангларнинг якуни шуни кўрсатиб турибдики, деб таъкидлайди матбуот, халқ Озодлик қуролли кучлари жанг майдонида ташаббусни қўлдан бермай, душманнинг аскарлари ва техникасига катта-катта талафот етказмоқда.

Секу Туре мурожаати

КОНАКРИ. (ТАСС). Президент Секу Туре мамлакат халқига, Африка ва бутун жаҳон халқларига қилган ва Конакри радиоси эшиттирган ўз мурожаатида қуйидагиларни таъкидлади: португалиялик агрессорлар ва уларга ёлланган сотқинларнинг мамлакат тупроғига бостириб кирганлиги Гвинея халқини қаттиқ ғазаблантирди. Бу ҳол Гвинея халқининг сиёсий бирлиги юксак даражада эканлигини намойиш қилди.



Америка агрессорлари Вьетнам Демократик Республикаси территориясини ваҳшийларча бомбардимон қилишни яна бошлаб юбордилар. Республиканинг қуролли кучлари ва аҳолиси океан ортидан келган босқинчиларга қақшатқич зарбалар беравётирлар.

СУРАТДА: Вьетнам зенитчилари томонидан уриб туширилган ҳаво қароқчисининг тақдири.

Бекатда ҳажвия



Бекатда автобус келишига кўз тикиб турганлар анчагина. Ҳамманинг хаёлида манзилгоҳга тезроқ етиб олсам деган ўй.

Шу пайт икки кишининг бошлаган суҳбати кутувчиларнинг эътиборини тортди.

— Шу дейман, Валижон, — гап бошлади қотмадан келган, ихчамгина кийинган йигит ўзига ўхшаш семиз папка кўтарган ҳамроҳига қараб, — бекатда ҳамма навбати билан, бир сафга тизилиб турса, қандай яхши бўларди-я!

— Э, нимасини айтасиз, Алижон, — илиб кочди Валижон. — Ўтган йили Москвада бўлганимда жуда ҳавасим келган эди. Москвaликлар сиз айтгандай бир қатор тизилишиб туришади-да, автобус келгач, унга бирин-кетин орқа эшикдан чиқишади. Қандай яхши. Ҳеч кимнинг тугмаси ҳам узилмайди, оёғи ҳам кўкармайди.

— Қандай боадаб йигитлар экан, — деб қўйди чўққи-соқол қария ҳаммага эшитириб.

Валижон билан Алижон атрофга мағрур қараб қўйишди.

— Ҳой, болам. Бу, Маскопда кексалар автобусга тизилиб чиқишадими? — сўради узун рўмолининг учларини елкасидан ошириб ташлаб олган кампир Валижонга яқинроқ сурилиб.

— Маскоп эмас, кампир? — тузатган бўлди Алижон.

— Ўлдимн, кексалар автобусга навбатсиз чиқишса керак Москвада, — гапга аралашди бола кўтарган жувон.

—Э, ҳамма гап шунда-да, эна, — чмирилиб кампирга юзланди Валижон, — навбатда мендан кейин бир болалик хотин турган экан, шунча илтифот қилсам ҳам «Раҳмат, йигитча, ҳаммамиз ҳам улгурамиз» деб унамади.

— Е тавба,— ёқасини ушлади кампир.

Валижон ялтироқ сочларини силаб, боягн жувонга «Энди қалайсиз?» дегандек қараб қўйди.

Узоқдан автобус кўринди. Бекатдагилар ҳаракатга тушиб қолишди.


—Болаларим, шошманглар, — мурожаат қилди бояги чўққи-соқол чол, — бир сафга тизилсак, ҳаммамиз ҳам улгурамиз.

Чол гапини тугатгунча бўлмай, автобус етиб келди. Унинг олди эшигига ҳам, орқа эшигига ҳам бекатдагилар забт этилаётган қалъага ёпирилгандек ҳужум бошладилар. Манзилига етган йўловчилар автобусдан аранг тушиб олишди...

Валижон билан Алижон шунда «иш» кўрсатдилар. Автобус етиб келганда кутувчилар тўдасида турган Валижон билан Алижон йўловчилар тушиб бўлмаслариданоқ, тирсакларини ишга солиб, кампир ва чолни йиқитаёзиб, бир зумда автобусга чиқиб кетишди...

Ш. МИРАЛИМОВ.

ЭРТАГА—КАТТА ФУТБОЛ | БАХТ КИМГА БОҚАРКИН? | МАВСУМНИНГ ҚИЙИН МАТЧИ



Марказий «Пахтакор» стадионида XXXII чемпионат ўйинлари ана шундай бошланган эди.

ЧЕМПИОН БЎЛИШ ОРЗУСИДА...

СЎНГГИ БЕЛЛАШУВ | БУТУН МАМЛАКАТ КУРАДИ | ИШҚИБОЗЛАР ҲАЯЖОНДА | МУХЛИСЛАР НИГОҲИ ТОШКЕНТДА

Нафсиламбир и н и айтганда, футбол ишқибозига осон тутиб бўлмайди. Унинг йил бўйи боши қотиб юради. Миясида ким чемпион бўлади-ю, қайси команда олий лига билан хайрлашади, деган саволлар тўхтаб ўйнайди. Кечалари тушида ҳам футболни кўриб чиқади. Севимли командаси ютказган чоғида эса ҳатто бола-чақасига ҳам гапиргиси келмайди. Унга масофа ҳам ҳеч гап эмас. Москвага, Киевга, Олмаотага, Тбилисига ва бошқа шаҳарларга атайлаб футбол ўйинини кўриш учун борадиган ишқибозлар озмунча дейсизми? Хуллас, футбол ишқибози бўлиш анча қийин масала, у кишидан ирода-ни талаб қилади.

1970 йил мухлислар учун айниқса «оғир» йил бўлди. Олий лига командаларига СССР чемпионати ўйинларининг ярмига келганда бироз танаффус қилишга тўғри келди. Чунки Мексикадаги IX жаҳон чемпионати мусобақаларида ҳам қатнашиш лозим эди. Ана шу катта футбол кунларини бир эслаб-а. Ўшанда футбол ишқибозларининг ороми яна бузилди. Уларнинг совет футболчилари Мексика чемпионатида яхши кўрсаткичларни қўлга киритишади, деган орзулари бор эди. Бироқ бу орзу ушалмади. Командамиз Уругвай терма командасига ютқазиб қўйиб, аламда қолди. СССР терма командасининг ана шу жаҳон чемпионатидаги ўйинлари ҳусусида кўпгина танқидий фикрлар билдирилди. Футбол мутахассислари, нуфузли шарҳчилар командамиз маглубиятининг асосий сабабларини аниқ кўрсатиб беришди...

Мексика чемпионатидан сўнг СССР биринчилиги мусобақалари қайтадан қизиб кетди. Олий лигадаги ҳар бир коллектив кузга келганда ҳар бир очко олтинга тенг эканлигини чуқур ҳис қилиб, ҳар бир ўйинини масъулият билан ўтказди. Мусобақа жадвалининг юқорисида ҳам, унинг қуйи қисмида ҳам командаларнинг беллашуви кескин тус олди. Охирги ўйинлар қорли майдонларда ўтказилди. Лекин шундай бўлсада чемпионат тугади-ю, чемпион аниқланмади. Москванинг икки командаси — «Динамо» ва Марказий Армия Спорт Клуби коллективлари бир хил очко—қирқ бештадан очко тўпладилар. Низомга кўра, бу икки команда ўртасида қўшимча учрашув ўтказилиши зўб бўлиб қолди. Ана шунда футбол ишқибозларининг яна боши қотди. Уларни 1970 йилнинг энг масъулиятли ва қийин матчи, «Олтин матч» қачон ўтказилиши қизиқтириб қолди.

Албатта, ҳамма ҳам ўз шаҳрида ватанимизнинг энг кучли икки командаси ўйинини кўргиси келарди. Тошкентлик футбол шайдоларининг яна омади келди. Улар 5 декабрь куни жонажон шаҳарларидаги улкан марказий «Пахтакор» стадионида ана шу «Олтин ўйин»ни кўриш бахтига муяссар бўладилар...

Гапни шу ерда бироз тўхтатиб, энди ана шу ўйин «сабабчи»лари ҳақида икки оғиз ҳикоя қиламиз.

Москва армиячилари мана ўн тўққиз йилдирки, чемпион бўлиш ишқида ёнадилар. Улар сўнгги марта 1951 йили олтин медални қўлга киритган эдилар. Командининг ҳозирги катта тренери В. Николаев ўзининг командадош дўстлари — Бобров, Федотов, Гринин, Демилар билан ўша ҳаяжонга тўла кунларни бошидан кечирган эди. Энди қарабсизки, бугун ана шу машҳур футболчи бош-қошлик қилаётган команда ўйинчилари олтин медаль учун даъвогарлик қилишмоқда.

Хўш, команданинг бу йилги муваффақиятлари сири нимада? Бабали биз командамизни, бир қўниб ўтадиган станция, деб ўйлайдиган ўйинчилар бахридан кечдик. Май ойининг охирларига келиб эса асосий ўйинчилар аниқланди. Ҳужумчи Федотов ярим ҳимояга ўтди, янги ўйинчи Долгов пайдо бўлди.

Командининг ярим ҳимоя линияси мустаҳкамланди. Командамизни илгарилари, ҳужумининг мазаси йўқ, деб қойишарди. Бу йил эса ўйинчиларимиз рақиблар дарвозасини аниқ нишонга оладиган бўлишди. Мен Марказий Армия Спорт Клуби командаси ҳамда «Динамо» коллективлари ўз маҳоратларини оширганликлари д а н



Ғолиб келди.

ишларини сарҳисоб этиш даври келди.

Шу йиллар ичида коллектив мамлакат кубогини икки марта қўлга киритди, мусобақада карвонбошлик қилди. Ешлар эса дублёрлар ўртасида кичик олтин медалларни қўлга киритишди.

Лев Яшинни ҳисобга олмаганда динамочилар орасида айтарли «юлдузлар» йўқ. Команданинг икки ўйинчиси — Еврюжихин ва Зиков СССР терма командаси шарафини ҳимоя қилишди. Лекин шундай бўлса-да, команданинг ҳар бир ўйинга масъулият билан тушиши, футболчиларнинг бир-беҳад мамнунман. Шунинг учун ҳам «Динамо» чемпион бўлса, бу адолатдан бўлади. Агарда Марказий Армия Спорт Клуби командаси олтин медални олса бу ҳам адолатдан бўлади.

Хизмат кўрсатган спорт мастери, СССР да хизмат кўрсатган тренер Константин Бесков йигитлари ҳақида ҳам кўпгина илиқ гапларни айтиш мумкин. Чунки Бесковнинг ўзи собиқ динамочи, бир неча йиллар мобайнида команда шарафини ҳимоя қилди. У команданинг оғир кунларида ишга келди. Чунки Мудрик, Короленков, Гусаров, Численко сингари футболчиларнинг ёши ўтиб қолган эди. Уларга муносиб ўринбосарлар етиштириш синғари вазифалар К. Бесков зиммасига юкланган топшириқ эди. Ана шундан бери йиллар ўтди. Янги тренернинг ўтган тўрт йил ичида қилган бири билан ўзаро иттифоқи уларни янги-янги зафарларга ундади.

Бу мавсумда Козлов ва Эштрековлар ўзларини кўрсатишди. Командага янги келган дарвозабон Пильгуй, яқингинада дублёрлар составида ўйнаган Жуков ва Уткинлар коллектив билан тезда тил топиша олди.

«Динамо» командаси ҳам Марказий Армия Спорт Клуби коллективи сингари чемпион бўлишни анчадан бери орзу қилмоқда. Улар бундан етти йил муқаддам —1963 йили чемпионлик медалини қўлга киритишган эди. Ана шундан бери дарёлардан кўплаб сувлар оқиб кетди. Командада 1963 йили олтин медални олган Лев Яшингина қолди, холос.

Шу нарса характерлики, СССР чемпионатида ҳар иккала коллектив эллик етти марта бир-бири билан учрашган. Ана шу ўйинларда армиячилар динамочиларни йигирма икки марта маглубиятга учратганлар. Йигирма бир ўйинда эса «Динамо»нинг қўли баланд келган. Қолган ўйинлар дуранг натижа билан тугаган. Ҳозирги кунга келиб эса ҳар иккала команда ҳам чемпион бўлиш арафасида турибди. Лекин 1970 йилги олтин медаллар кимга насиб қиларкин? Бу топишмоқка, бу жумбоққа Тошкентда бўладиган ўйин жавоб беради.

5 ДЕКАБРЬ. Ана шу куни бепоён мамлакатимиздаги миллионлаб футбол ишқибозлари жуда орзиқиб кутган эдилар. Мана энди шу орзиқиб кутилган дамлар ҳам яқинлашди.

Эртага Тошкентнинг Марказий «Пахтакор» стадиони яшил майдонига ана шу икки коллектив тушиб келади. Блантернинг футбол шинавандаларига жуда таниш бўлган футбол маршн садолари остида икки Москва команда чемпионлик медалини олиш учун қўшимча ўйинни бошлайди. Бугунги кунда 54.345 кишининг ози қулоғида. Севинмай бўладими, ахир. Тошкентда бўладиган ўйинга қизиқиш шунчалик кучайиб кетдики, агар шаҳримизда айтайлик, ярим миллион киши сиғадиган стадион бўлганда ҳам эртага ўтказиладиган ўйинни ўз кўзлари билан кўриш ниятиёқида юрган футбол мухлисларини барига сиғдира олмаган бўларди. Ана шунинг учун эллик тўрт минг уч юз қирқ беш бахтли билет эгасининг бугунги севинчининг чеки йўқ.

Ҳақиқатан ҳам Тошкентга бўлган ўнларча минг километр масофани учиб ўтишдан кўра, стадион дарвозасига кириш қийинроқ бўлиб қолди.

Футбол мухлислари 1964 йили худди шу стадионда бўлган «Олтин ўйин»ни жуда яхши эслашади. Ана ўшанда ҳам Тбилиси динамочилари билан Москва армиячиларининг ўйинини кўраман деганларнинг сон-саноғи йўқ эди. Шунда бахт грузин футболчиларига кулиб боқди. Асосий тўқсон минут чемпионни аниқлаб беролмагач, қўшимча берилган ўттиз минутлик муддат грузин футболчиларини кўп йиллардан бери орзу қилиб келаётган ниятларига етказди.

Агар эртаги ўйинда тўқсон минут ичида чемпион аниқланмаса, қўшимча ўттиз минут вақт берилади. Шунда ҳам ора очиқ бўлмаса, командалар эртаси куни яна майдонга тушишади. Иккинчи ўйин ҳам дуранг билан тўгаса яна қўшимча вақт берилади, сўнгра судья ҳар иккала дарвозага бештадан ўн бир метрли жарима тўпи белгилайди. Энди бу гаплар ҳозирча гумон, мавҳум гаплар. Ҳамма нарсани эртага бўладиган ўйин кўрсатади.

...Ҳа, футбол ишқибози бўлиш қийин. Тошкентда ўйин ўтказилармиш, деган хабарни эшитгандан бери уларнинг уйқулари келмайди. Улар чемпионлик учун бўлган ўйинда ким ғолиб чиқиши ҳақида қизғин баҳсларга берилмоқдалар. Майли, қизғин баҳслар давом этаверсин. Эртага бўладиган ўйин ҳамма саволларга жавоб беради. Шундай қилиб, футбол ишқибозининг ҳам кўнгли таскин топиб, келгуси йил чемпионати ўйинларини сабрсизлик билан кута бошлайди.

С. ЕҚУБОВ,
Ф. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
А. АБДУЛЛАЕВ.



Машҳур дарвозабон Лев Яшин тўпни ўйинга туширмоқда.



Тўп билан Москванинг «Динамо» командасидаги ярим ҳимоячи Юрий Семин.
Н. Надеждин фотолари.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—4.XII да **Дон Жуан**, 5.XII да **Концерт** (рус тилида), 6.XII да **Севилия сартароши** (кундузи), **Жизель** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4.XII да **Мирзо Улуғбек**, 5.XII да **Олтин девор** (кундузи), **Парвона** (кечқурун), 6.XII да **Мирзо Улуғбек** (кундузи), **Алжонларим** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4.XII да **Тошболта ошиқ**, 5.XII да **Катта концерт** (кундуз ва кечқурун), 6.XII да **Паранжи сирлари**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА—6.XII да **4-б синф** мактаб ўқувчилари учун **1-музика абонементи** бўйича **ИККИНЧИ КОНЦЕРТ—ЛЕКЦИЯ** (кундуз соат 2 да).

Кино

4 ДЕКАБРДА

Қизил чодир (2 серия)—САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Чайковский (2 серия) — «МОСКВА» (кеч 8 да).

5 ДЕКАБРДА

Қизил чодир (2 серия)—САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Чайковский (2 серия)—МОСКВА» (кундуз соат 3 ва кеч 8 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11-уй)

«ЯНГИ УЧРАШУВЛАР»

ЕШЛАР КОЛЛЕКТИВИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Қизиқарли цирк томошалари.

ТОМОШАЛАР: 5, 6 декабрь кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да кўрсатилади.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
1970 ЙИЛ 26 ДЕКАБРДАН
1971 ЙИЛ 10 ЯНВАРГАЧА
МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ
ҚАНИКУЛ КУНЛАРИДА

«ҚАТТА ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМЛАРИ»

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

«МУЗ УСТИДА АРЧА»

В. Эйрановнинг «Ҳар доим бўлсин қуёш» эртак-феерияси асосида.

ТОМОШАЛАРДА: Москва область драма театри артистлари, балет ва цирк артистлари, муз устида фигурали учиш усталари, авто-мото спорт усталари қатнашадилар ва «МОСФИЛЬМ» киностудиясининг кино-фрагментлари кўрсатилади. Ёзиб олинган музикалари—Бутуниттифоқ радио ва телевидение эстрада оркестри ижро этган.

Дирижёр—РСФСР халқ артисти Юрий СИЛАНТЬЕВ.
Балетмейстер—РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби—И. СЛИЦКЕР.
Композитор — Е. КРИЛАТОВ.

РАССОМЛАР—Р. КАЗАЧЕК, А. БОМШТЕЙН ва РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби И. ТКАЧЕВА.

Томошалардан олдин оммавий ўйинлар, аттракционлар ва лотерея ўйинлари уюштирилади.

Постановкачи режиссёр —В. И. Чичко.

Томошалар эрталаб соат 11, кундуз 2 ва 5 да бошланади. Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

БОШҚА ШАҲАРЛИКЛАРНИНГ ВА ПАХТАКОРЛАРНИНГ БОЛАЛАРИ ЗАЯВКА БУЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДА БИЛЕТ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Кассалар ҳар куни эрталаб соат 10 дан ишлайди.
Справка учун телефонлар: 44-70-81; 44-70-82.

ТЕЛЕВИЗОР

4 ДЕКАБРЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида: 18.00** «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «Ўзбекистон комсомоли». **18.40** «Ахборот» информацион программаси. **18.55** КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА. «Хўжалик реформаси амалда». **19.20** «Она-Ватан». Концерт. **Ўзбек тилида: 20.00** «Ахборот» информацион программаси. **20.15** Ота-оналар университети. **20.45** «Ўлмас ижод». Композитор Л. Бетховен туғилган кунининг 200 йиллигига бағишланган кўрсатув. **21.25** «Туризалар учмоқда». Бадиий фильм. **23.00** Кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КУРСАТАДИ

18.00 «ДЎСТЛИК ЭКРАНИ» Олмаота телестудиясининг кўрсатувлари.

МОСКВА КУРСАТАДИ

19.45 Болалар учун. Телевизион театр. «Боян Чонос». Телеспектакль. 1-қисм. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Ўқувчилар учун. СССР халқлари рақслари. **21.30** «Жасорат». Телевизион альманах. **22.00** «Ленин Октябрда». Бадиий фильм. **24.00** «Вақт» информацион программаси. **00.30** Беш йиллик одимлари. **00.50** Интервидение ЧССР—ШВЕЦИЯ командалари ўртасида хоккей бўйича ўртоқлик учрашуви. Прагадан олиб кўрсатилади. **03.00** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

20.00 «Қўшни томон йўл». Ҳужжатли фильм (ўзбек тилида). **Рус тилида: 20.00** «СССР Олий Совети» Телефильм. **20.40** «Фарзандлар». Бадиий фильм.

РАДИО

4 ДЕКАБРЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 «Ўзбекистон композиторларининг фортепьяно ижоди» (русча). **18.00** Атеистик темаларда эшиттириш (ўзбекча). **18.10** Ўзбек халқ куйлари. **19.20** Радио эшиттувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт (татарча). **20.00** «Ўзбекистон индустриальний» радиожурнали. **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. **21.00** Халқаро мавзулар. да суҳбат. **21.10** Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кечки концерт. **22.30** «Янги ёзиб олинган асарлар». С. Жамол. «Чинниғул» романи асосида радиопостановка (ўзбекча). **24.00** Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Андижон область театри артистларининг концерти. **19.30** «Шу кунининг қўшиқлари» (русча). **20.00** Л. Шарипова куйлайди. **20.30** «Нодир ёзувлар» (ўзбекча). **20.50** «Янги боғлар барпо этилади» (русча). **21.00** «Чет эл Шарқи адабиёти». Покистон ёзувчиси Шох Маҳмуднинг «Гулчамбар» ҳикояси (ўзбекча). **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

16.30 В. Мейер. Халқ чолғу асбоблари оркестри учун сюита. **17.00** П. Чайковский. «Мазепа» операси.

Октябрь район халқ маорифи бўлими, район касаба союз комитети Октябрь район мактабгача тарбия муассасасининг инспектори М. Файзиевага тур. муш ўртоғи

ЖАҲОНГИР ФАЙЗИЕВНИНГ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент оқшоми 4 бет. 4 ДЕКАБРЬ 1970 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95, эълонлар бўлими—33-31-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.
НАШР 3174.
Р—16911.